

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗИМОВ САНЖАРБЕК КОМИЛОВИЧ

**АВТОМОБИЛЬ ГИБРИД ЮРИТМАСИ ПАРАМЕТРЛАРИ ВА
БОШҚАРУВ РЕЖИМЛАРИНИ ТАНЛАШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Science (DSc)
on technical sciences**

Рўзимов Санжарбек Комилович

Автомобиль гибрид юритмаси параметрлари ва бошқарув
режимларини танлашнинг илмий асослари..... 3

Рузимов Санжарбек Комилович

Научные основы выбора параметров и режимов управления
гибридного привода автомобиля 33

Ruzimov Sanjarbek Komilovich

Scientific methodologies for selection of vehicle hybrid powertrain sizing
and its control strategy..... 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 68

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗИМОВ САНЖАРБЕК КОМИЛОВИЧ

**АВТОМОБИЛЬ ГИБРИД ЮРИТМАСИ ПАРАМЕТРЛАРИ ВА
БОШҚАРУВ РЕЖИМЛАРИНИ ТАНЛАШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

05.08.06 – Гилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.DSc/Т483 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкентдаги Турин политехника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<https://tstu.uz/>) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мухитдинов Акмал Анварович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Базаров Бахтиёр Имамович
техника фанлари доктори, профессор

Абдазимов Анвар Дониёрович
техника фанлари доктори, профессор

Файзибоев Шерзод Собирович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация химояси Тошкент давлат транспорт университети хузуридаги DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 рақамли илмий кенгаши кенгашнинг 2022 йил "10" _____ соат 065 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100167, Тошкент, Темирийўлчилар кўчаси, 1. Тел.: (99871) 299-00-01, факс: 71-293-57-54, e-mail: rektorat@tstu.uz, tashit@exat.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100167, Тошкент, Темирийўлчилар кўчаси, 1. Тел.: (99871) 299-00-01, факс: 71-293-57-54, e-mail: rektorat@tstu.uz, tashit@exat.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «20» _____ 08 куни тарқатилди.
(2022 йил «15» _____ 18 даги _____ 06 рақамли реестр баённомаси).



А.А.Рискулов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Р.М.Худайкулов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, PhD, профессор

Ш.П. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясига автореферат)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда автомобиль транспорти соҳасида энергия ресурслари ва эксплуатацион материалларидан самарали фойдаланиш иқтисодий ўсиш ва экологик хавфсизликнинг муҳим омили ҳисобланади. Автомобиль транспорти қазиб олинadиган ёқилғининг асосий истемолчиси ва ҳавони ифлослантирувчи асосий манбалардан бири ҳисобланиб, халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, мобил манбаларнинг CO₂ чиқинди миқдори шаҳарларда атмосферага чиқаётган ифлослантирувчи моддаларнинг умумий миқдорининг 70-90% ни ташкил қилади. Бу борада АҚШ, Япония, Хитой, Россия, Европа давлатлари каби ривожланган хорижий давлатларда ишлаб чиқариш соҳасида энергетик, экологик ва иқтисодий самарадорликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, бугунги кунга келиб автомобилнинг турли тизим ва механизмларини электрон бошқарув тизимини жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш орқали энергетик, экологик ва иқтисодий самарадорликни таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда¹.

Жаҳонда ҳозирги кунда ёнилғи сарфини ва чиқинди газлар миқдорини камайтириш мақсадида ишлаб чиқарувчилар автомобилларни лойиҳалашда гибрид юритмаларини қўллаш усулларини янада чуқурроқ тадқиқ этишга алоҳида аҳамият беришмоқда. Бу борада параллел схемага эга бўлган гибрид юритмали автомобилда қувват ички ёнув двигатели ва электр двигателидан алоҳида йўналишлар орқали етакчи ғилдиракларга берилиши энг самарали усуллардан эканлиги катта аҳамиятга эга. Шу жihatдан юқори ёнилғи самарадорликка эришиш учун автомобиль гибрид юритмаси параметрлари ва бошқарув режимларини, маълум бир тоифадаги автомобиллар ва уларнинг ҳаракат режимларига қўйилadиган талабларга қараб танлаш усулларини ишлаб чиқиш, назарий ва амалий тадқиқотларнинг асосий зарур масалаларидан ҳисобланмоқда.

Республикамизда табиий хомашёдан фойдаланишда энергия самарадорлиги ошириш бўйича энергия тежамкор транспортлардан фойдаланишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежовчи технологияларни кенг жорий этиш”² масалалари алоҳида белгилаб берилган. Шу муносабат билан, автомобиль гибрид юритмаси манбалари ўртасида ҳаракат учун зарурий моментни тақсимлаш орқали энг кам ёнилғи сарфини таъминлайдиган юритма бошқарув режимларини танлаш усулини ишлаб чиқиш ва ёнилғи-тежамкорлик хусусиятларини яхшилаш бўйича автомобилнинг гибрид юритмаси параметрларини танлаш, шунингдек,

¹ Robert Bosch GmbH, Bosch Automotive Handbook, 10th Edition, 2018. – 1750 pp, ISBN: 978-1-119-53081-7.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” Фармони.

гибрид юритмага эга автомобилнинг ёнилғи ва энергия сарфини ҳисоблашда имитацион моделлардан фойдаланиш усуллари такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012 сон “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги, 2018 йил 6 мартдаги ПҚ-3589 сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги автомобиль транспортини бошқариш тизими”, 2019 йил 6 мартдаги ПҚ-4230 сон “Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477 сон “2019-2030-йилларда Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергетика, энергия- ва ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Автомобиль ёнилғи-тежамкорлик ва тортиш-тезлик хусусиятларини яхшилаш мақсадида автомобиль гибрид юритмаси параметрлари ва бошқарув режимларини танлаш бўйича кенг қамровли назарий ва амалий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи университетлари ва илмий лабораторияларида, жумладан Техас қишлоқ хўжалик ва механика университети (АҚШ), Цюрихдаги Швейцария олий техника мактаби (Швейцария), Турин политехника университети (Италия), Стэнфорд университети (АҚШ), Мюнхен техника университети, Брауншвейг техника университети (Германия), Аргонн миллий лабораторияси, Айдахо миллий лабораторияси (АҚШ) ва бошқаларда амалга оширилмоқда.

Автомобиль гибрид юритмаси параметрлари ва иш режимларини танлаш бўйича дунё миқёсида жумладан, қуйидаги муҳим илмий натижалар олинган: автомобилларда гибрид юритмаларни қўллаш, уларнинг бошқарув режими сифатида мантиқий қоидаларга асосланган режимлардан фойдаланиб, автомобиль гибрид юритмаси параметрларини танлаш усуллари ишлаб чиқилган (Техас қишлоқ хўжалик ва механика университети, АҚШ); турли конфигурацияли гибрид юритмали автомобилларни ҳаракат моделларини ишлаб чиқиб, уларда динамик дастурлашга асосланган бошқарув режимларини қўллаш имкониятларини кўриб чиқилган

³www.tamu.edu, www.ethz.ch, www.polito.it, www.stanford.edu, www.tum.de, www.tu-braunschweig.de, www.anl.gov, avt.inl.gov, www.osu.edu, www.clemson.edu, www.polimi.it, www.kth.se, www.chalmers.se

(Цюрихдаги Швейцария олий техника мактаби, Швейцария); Понтрягин минимум принципидан фойдаланган бошқарув режимлари ишлаб чиқилган (Охайо ва Стэнфорд университетлари, АҚШ); гибрид юритмаси конфигурациясининг автомобиль энерго-экологик кўрсаткичларига таъсири ўрганилган ва автомобиль динамик ва ёнилғи-тежамкорлик хусусиятлари яхшиланишини таъминлайдиган, икки илишиш муфтали трансмиссиянинг конструктив ечими ишлаб чиқилган (Брауншвейг техника университети, Германия).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Автомобиль гибрид юритмасини лойиҳалаш ва уларнинг иш режимлари такомиллаштиришда бир қатор таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан М. Ehsani, А. Emadi, Z. Rahman, L. Guzzella, G. Rizzoni, S. Onori, A. Tonoli, N. Amati, Т. Hofman, F. Kucukay, А. Sciarretta, O Sundström ва бошқалар.

Республикамизда двигатель ва автомобилнинг тортиш-тезлик ва ёнилғи-тежамкорлик хусусиятларининг турли иш шароитлари, ёнилғи, трансмиссия ва мехатрон бошқарув блоклари тадқиқоқотлари билан таниқли олимлардан С.М. Қодиров, Ш.П. Алимухамедов, Б.И. Базаров, Ж.Р. Қулмухамедов, А.А. Мухитдинов, Ж.Ш. Иноятходжаев ва бошқалар шуғулланишган. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида иссиқ ва қуруқ иқлим шароитларида турли двигателларга эга автомобилларнинг эксплуатацион кўрсаткичларини яхшилаш, энг юқори тезланиш ва ёнилғи-тежамкорлик хусусиятларини таъминлаш мақсадида двигатель ва поғонасиз трансмиссияни мувофиқлаштирилган ҳолда бошқариш, двигатель мехатрон бошқарув тизимларида нейрон тармоқлардан фойдаланган ҳолда ёнилғи-тежамкорлик хусусиятларини яхшилашга эришилди.

Ушбу тадқиқотларда автомобилнинг юқоридаги хусусиятларини яхшилиш йўллари ва усулларини батафсил ўрганилган бўлса-да, автомобилларда гибрид юритманинг жорий қилиниши ёнилғи-тежамкорлик ва тортиш-тезлик хусусиятларини яхшилашнинг янги имкониятларини очади.

Бугунги кунда турли хил иш шароитларида автомобиль динамик кўрсаткичларни сақлаган ҳолда энг кам ёнилғи сарфига эришиш учун автомобиль гибрид юритмаси параметрлари ва бошқарув режимларини танлашнинг илмий асослари етарлича даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти алоҳида қисмлари, диссертант масъул ижрочи вазифасини бажарган илмий-тадқиқот ишлари: 18.11 «Автомобилда гибрид юритмани қўллаш орқали энергияни тежаш ва атроф-муҳит муҳофозаси» (2003-2005), А-13-068 «Ёнилғи тежамкорлиги ва экологик хавфсизлиги бўйича автомобиль перспектив конструкциясининг параметр ва бошқарув режимларини танлашнинг илмий асослари» (2006–2008) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади динамик талабларни ҳисобга олган ҳолда турли ҳаракат шароитлари учун энг мақбул ёнилғи самарадорликка эришиш

имконини берувчи автомобиль гибрид юритмаси параметрлари ва бошқарув режимларини илмий асосланган танлаш услубини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

манбалар таҳлили асосида автомобиль гибрид юритмаси истиқболли конфигурациясини танлашни асослаш;

автомобилнинг турли меъёрий ҳаракат циклларида гибрид юритмали автомобилнинг ёнилғи ва электр энергия сарфини ҳисоблаш математик моделини ишлаб чиқиш;

Matlab/Simulink дастурий таъминотида гибрид юритмали автомобиль турли меъёрий цикллардаги ҳаракатининг имитацион моделини яратиш;

автомобилнинг ёнилғи сарфини минималлаш учун гибрид юритмаси энергия манбалариаро бошқарув режимларини танлаш методини ишлаб чиқиш;

ёнилғи-тежамкорлик хусусиятларини яхшилашни танлаш мезони асосида автомобиль гибрид юритмаси параметрларини аниқлаш методини ишлаб чиқиш;

гибрид юритмали автомобиль имитацион моделининг ёнилғи ва энергия сарфлари ҳисоби ишончилигини экспериментал баҳолаш;

гибрид юритмали автомобилларда ёнилғи-тежамкорлик хусусиятларини янада яхшилашни чекловчи асосий омилларни аниқлаш.

энг юқори ёнилғи самарадорлигига эришиш учун автомобиль гибрид юритмаси параметрлари ва бошқарув режимларини танлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Тадқиқот объекти – параллел конфигурацияли (P2) гибрид юритмага эга енгил автомобиль.

Тадқиқот предметини гибрид юритмали автомобиль параметрлари ва бошқарув режимлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида автомобиль динамикаси ва ёнилғи тежамкорлиги ҳисоби, кўп ўзгарувчили оптимизацион, регрессион таҳлил, математик статистика ва имитацион моделлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқот илмий янгилиги қуйидаги ишланмаларда ўз аксини топган:

гибрид юритмали автомобиль ва компонентлари параметрларини ҳамда иш режимларини математик моделлаш асосида меъёрий ҳаракат циклларидаги ёнилғи ва энергия сарфини аниқлаш усули ҳисоб модели ва алгоритмларини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

юқори ёнилғи самарадорликка эришиш учун автомобиль гибрид юритмасини бошқарув режимларини танлашнинг эквивалент ёнилғи сарфини минималлаштиришга асосланган услуби ишлаб чиқилган;

юқори ёнилғи самарадорликка эришиш учун автомобиль гибрид юритмаси компонентлари қувват кўрсаткичларини танлаш орқали юритма параметрларини танлаш услуби ишлаб чиқилган;

автомобиль гибрид юритмаси параметрлари ва бошқарув режимларини баҳолаш усуллари гибрид юритмали автомобиль ҳаракатининг имитацион

моделли ёрдамида такомиллаштирилган;

гибрид юритмали автомобиль имитацион моделининг ёнилғи ва энергия сарфлари ҳисоби ишончилигини экспериментал баҳолаш услуги динамометрик стенд натижалари билан қиёслаш орқали асосланган;

гибрид юритмали автомобилларда ёнилғи-тежамкорлик хусусиятларини янада яхшилашни чекловчи асосий омилларни аниқлаш усули ҳаракат циклида энергия захирасини ҳисоблаш орқали ишлаб чиқилган.

Тадқиқот амалий натижалари куйидагиларда иборат:

Ишлаб чиқилган услублар ва ҳисоб дастурлари асосида берилган шароит учун энг кам ёнилғи сарфига эришишни таъминлайдиган автомобиль гибрид юритмаси параметрлари ва бошқарув режимларини лойиҳалаш босқичида танлаш услуги асосланган;

Ишлаб чиқилган услубларни автомобиль ёки уларнинг электрик компонентларини мавжуд ички ёнув двигатели билан мослаган ҳолда, муайян ҳаракат шароитлари учун танлашда ишлатиш имконияти кўрсатилган;

Меъёрий циклларда автомобиль ҳаракати учун зарур бўладиган энергияни аниқлаш билан гибрид юритма энергия манбаларини мутаносиб аниқлаш услуги яратилган;

Ёнилғи-тежамкорлик хусусиятлари яхшиланишини таъминловчи гибрид юритмали автомобиль параметрларини ва бошқарув режимларини танлаш услуги таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги уларни дунёнинг етакчи лабораториялари экспериментал маълумотларига ва соҳа бўйича етакчи илмий нашрларда чоп этилган натижаларига мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти автомобиль гибрид юритмаси параметрлари ва бошқарув режимларини танлашнинг ишлаб чиқилган методи билан асосланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти автомобилни лойиҳалаш жараёнида гибрид юритма параметрлари ва бошқарув режимларини танлаш орқали ёқилғи-энергетик ресурсларни тежаш билан белгиланади. Бундан ташқари, автомобиль гибрид юритмаси параметрларини танлаш методи муайян ҳаракат шароитлари учун мос автомобиль моделларини танлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Автомобиль гибрид юритмаси параметрлари ва бошқарув режимларини танлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқишда олинган натижаларга асосида:

«Ўзавтосаноат» АЖ ва унинг қошидаги “Research and Development Center” МСНҲ илмий-конструкторлик марказида турли меъёрий циклларда автомобиль ҳаракатланиш жараёнида энергия сарфини ҳисоблаш методи ва дастури; Ёнилғи-тежамкорлик хусусиятини яхшилаш бўйича гибрид юритмали автомобиль параметрлари ва бошқарув режимларини танлаш методи (“Research and Development Center” МСНҲ 19 ноябр 2021й. №054-

2021 ва «Ўзавтосаноат» АЖ 22 ноябр 2021й. №19/04-25-2129 маълумотномалари) жорий этилди. Натижада, янги ишлаб чиқариладиган автомобиллар моделларини лойиҳалаш ёки танлашда уларнинг конструктив параметрлари ва бошқарув режимларини танлаш, бу автомобиль прототипини ишлаб чиқишдан олдин унинг энергия самарадорлигини баҳолаш ва муайян ҳаракат шароитларида ёнилғи сарфини аниқлаш имконини берган;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги қошидаги «Ўзавтотранстехника» илмий марказида гибрид юритмали автомобилларнинг эксплуатацион хусусиятларини аниқлаш бўйича ўтказиладиган синовларни, турли меъёрий циклларда эквивалент ёнилғи сарфини ҳисоблаш дастури билан алмаштириш жорий этилди («Ўзавтотранстехника» 19 ноябр 2021 й. №314 маълумотнома). Олинган натижаларни тадбиқ этиш орқали меҳнат сарфини 7 марта ва синов ўтказиш харажатларини 5 марта камайтиришга эришишни таъминлаш имконини берган;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигида гибрид юритмали автомобиль энергия сарфини ҳисоблаш методи жорий этилди (Транспорт вазирлигининг 23 ноябр 2021 й. №2/7365 маълумотномаси). Ушбу дастурдан фойдаланиш маҳаллий ҳаракат шароитларида энг кам ёнилғи сарфига эга автомобиль моделларини танлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 10 та ҳалқаро ва 4 та республика илмий-техник анжуманларида маъруза қилинган ва муҳоқамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича умумий 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақолалар, жумладан 5 та республика ва 8 та чет эл илмий журналларида нашр этилган. Шулардан 12 та мақола СКОПУС базасига кирувчи юқори импакт факторли журнал ва анжуманларда нашр этилган. Шу билан бирга, дастурий ҳисоблаш маҳсулотлари учун 2 та гувоҳнома олинди.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 173 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида гибрид юритманинг автомобилларда қўллаш бўйича илмий тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган. Ишнинг асосий мақсад ва вазифалари, тадқиқот объект ва предмети, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Ишнинг илмий янгилиги ва гибрид юритмали автомобилларнинг параметр ва бошқарув режимларини танлаш бўйича тадқиқотнинг асосий натижалари, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти асосланган. Шунингдек, диссертация иши натижаларининг амалиётга тадбиқи, мавзу бўйича нашр этилган ишлар ва унинг таркибий тузилиши бўйича умумий маълумотлар ёритилган.

Диссертация ишининг «**Гибрид юритмали автомобилнинг замонавий конструкциялари**» номли **биринчи боб**ида автомобиль гибрид юритмаси параметрлари ва бошқарув режимларини танлаш орқали автомобиль ёнилғи сарфини камайтириш муоммосининг ҳозирги ҳолати ва мавжуд илмий ишлар шарҳи келтирилган.

Шундан келиб чиқиб, автомобиль гибрид юритмаси параметрлари ва бошқарув режимларини танлаш бўйича мавжуд методлар ва бу муоммо ечими бўйича техника-технологияларнинг замонавий ютуқлари кўриб чиқилган.


Автомобиль ёнилғи-тежамкорлик ва тортиш-тезлик хусусиятларини гибрид юритма параметрлари ва бошқарув режимларини танлаш орқали яхшилаш билан хорижий илмий изланувчилардан А. Emadi, М. Ehsani, L. Guzzella, G. Rizzoni, S. Onori, A. Tonoli, N. Amati, T. Hoffman, F. Kucukay, A Sciarretta, O Sundstrom ва бошқалар шуғулланишган.

Автомобиль ва двигатель ёнилғи-тежамкорлик ва тортиш-тезлик хусусиятларини, турли эксплуатацион шароитлар, ёнилғи ва трансмиссия конструкциялари ва мехатрон бошқарув қурилмаларидан фойдаланган ҳолда яхшилашни юртимиз олимларидан, С.М. Қодиров, Ш.П. Алимухамедов, Ж.Р. Кулмухамедов, А.А. Мухитдинов, Б.И. Базаров, Ж.Ш. Иноятходжаев ва бошқалар тадқиқ қилишган.

Ушбу муаллифлар тадқиқотларида автомобиль хусусиятларини яхшилаш йўллари ва усуллари кенг ёритилган бўлса-да, автомобилларда гибрид юритмаларни қўллаш ёнилғи-тежамкорлик ва тортиш-тезлик хусусиятларини такомиллаштиришнинг янги имкониятларини тақдим этади.

Автомобиль гибрид юритмаларининг мавжуд схемалари таҳлили P2 конфигурация энг истиқболли конструкция эканлигини кўрсатди. Бу танлов асосан юритма параметрларини турли массали автомобилларга мослаштириш, мавжуд конструкцияга тадбиқ этиш ва барча режимларда ишлаш имкониятларига эга эканлиги ва нисбатан соддалиги билан изоҳланади. Булардан ташқари, гибрид юритманинг бу конфигурацияси гибридизация даражасини ўзгартиришнинг амалий соддалиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда ишлаб чиқаришда мавжуд 110 та гибрид юритмали автомобиллар таҳлили асосида қуйидагилар аниқланди: улардаги ички ёнув

двигатели (ИЁД) максимал қуввати автомобилнинг минимал тезланиш талабларини қаноатлантиради (1-расм); одатий юритмали автомобилларда қўлланилган ИЁДдан кам бўлмаган ишчи ҳажмлардан фойдаланилган; бу автомобилларнинг 60% дан ортиқ қисмида 1-2 кВт·соат сиғимли батареядан фойдаланилган.



1-расм. Турли юритмали автомобиллар учун ИЁД солиштирма қуввати: механик (CONV), ташқаридан қувватланмайдиган гибрид юритмали (HEV) ва ташқаридан қувватланадиган гибрид юритмали (PHEV)

Мавжуд илмий тадқиқотлар ҳолати таҳлили бугунги кунда автомобиль динамик хусусиятларини сақлаган ҳолда энг кам ёнилғи сарфини таъминловчи гибрид юритма параметрлари ва бошқарув режимларини танлашнинг илмий асослари йўқлигини кўрсатди. Шундан келиб чиқиб, турли талабларни ҳисобга олган ҳолда турли ҳаракат шароитлари учун энг мақбул ёнилғи самарадорликка эришиш имконини берувчи автомобиль гибрид юритмаси параметрлари ва бошқарув режимларини танлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш зарур.

Диссертациянинг «Гибрид юритмали автомобиль параметрлари ва бошқарув режимларини танлашнинг назарий асослари» номли иккинчи бобида гибрид юритмали автомобилнинг меъёрий циклларда ҳаракатини моделлаштиришнинг назарий асослари, юритма компонентлари моделлари ва имитацион моделни ишлаб чиқиш масалалари кўрилган. Шунингдек, гибрид юритмали автомобиль параметрлари ва бошқарув режимларини танлашнинг мавжуд методлари таҳлил қилинган.

Гибрид юритмали автомобиль ҳаракатини моделлаштиришнинг тескари

принципига асосан, ҳаракатланишнинг меъёрий цикл бўйича тезлик профили киритилади. Бунда, автомобиль бу профилга оғишларсиз мукамал амал қилиши фараз қилинган.

Кейинги қадамда автомобиль зарурий динамикасини таъминловчи ғилдираклардаги тортиш кучи, буровчи момент ва бурчак тезликлари аниқланади. Кинематик ўзгаришлар орқали бу катталиқлар трансмиссия кирувчи валидаги талаб этилган қийматларга келтирилади. Талаб этилган буровчи моментнинг ИЁД ва электр машинаси (ЭМ) ўртасида тақсимланишидан келиб чиққан ҳолда ёнилғи ва энергия сарфлари ҳисобланади. Тескари модел гибрид юритманинг компонентларини ифодаловчи бир нечта қуйи тизимлардан (ҳаракат цикли, автомобиль динамикаси, трансмиссия, ИЁД, ЭМ ва батарея) ташкил топган:

Ҳаракат цикли. Бу қуйи тизим меъёрий ҳаракат цикли моделини ифодалаб, ҳаракат тезлиги ва вақти векторларидан ташкил топади. Автомобиль тезлигининг оний v_i ва олдинги v_{i-1} қийматлари фарқини вақт вектори қадамига Δt бўлиш орқали, автомобиль бўйлама тезланиш/секинланиш қийматини a_x қуйидагича аниқлаймиз:

$$a_x = \frac{v_i - v_{i-1}}{\Delta t}.$$

Автомобиль бўйлама динамикаси модели. Бу қуйи тизимда автомобилга таъсир этувчи қаршилик кучлари (инерция, ғилдирашга қаршилик ва ҳаво қаршилик кучлари) ва бу кучларни енгиш учун талаб этиладиган ғилдиракдаги тортувчи куч F_x ҳисобланади. Бу тизимга кирувчи ўзгарувчилар автомобиль бўйлама тезланиши a_x ва тезлиги v_x , чиқувчилари эса, тортиш учун талаб этилган ғилдирак буровчи моменти T_{gb} , бурчак тезлиги ω_{gb} ва бурчак тезланишлари $\dot{\omega}_{gb}$. Автомобиль ҳаракатидаги куч балансини қуйидаги тенглама орқали ифодаланади:

$$F_x = M \cdot a_x + M \cdot f_r + \frac{1}{2} \cdot C_d \cdot \rho \cdot A_f \cdot v_x^2.$$

Қаршилик кучлари ва тўртта ғилдирак инерцияси J_w моментларини енгиб ўтиш учун зарур бўлган ғилдиракдаги буровчи момент ($\dot{\omega}_w$ ғилдирак бурчак тезланиши) T_{gb} , қуйидагича ҳисобланади:

$$T_{gb} = F_x \cdot R_w + 4 \cdot J_w \cdot \dot{\omega}_w.$$

Трансмиссия модели ўз ичига узатмалар қутиси ва асосий узатма вазифаларини олади. Бунда трансмиссия ИЁД ва ЭМлардан келувчи буровчи моментини ошириш ва бурчак тезликни камайтириш вазифаларини бажаради. Узатмалар қутисининг поғоналарини ўзгартириш вақти ва тезликлари ҳаракат цикли моделидан олинади. Трансмиссия бирламчи валидаги талаб этилган буровчи момент T_{req} ва ғилдиракдаги T_{gb}

қийматларни қуйидагича ифодалаш мумкин:


$$T_{req} = \begin{cases} \frac{T_{gb}}{i_{gb.i} \cdot i_f \cdot \eta_{gb} \cdot \eta_f}, & \text{агар } T_{gb} \geq 0 \text{ (тортиш режими),} \\ \frac{T_w \cdot \eta_{gb} \cdot \eta_f}{i_{gb.i} \cdot i_f}, & \text{агар } T_{gb} < 0 \text{ (тормоз режими),} \end{cases}$$

бу ерда мос равишда узатмалар қутиси ва асосий узатмаларнинг, i_{gb} ва i_f – узатишлар сони, η_{gb} ва η_f – фойдали иш коэффициентлари (ФИК).

Электрон бошқарув блоқи модели (ЭБУ) автомобиль гибриди юритмаси бошқарув режимини ифодалайди. Бунда кирувчи катталиклар қийматларидан келиб чиқиб ЭБУ талаб этилган буровчи моментни (T_{req}), ИЁД (T_{ice}) ва ЭМ (T_{em}) ўртасида тақсимлайди. ИЁД ва ЭМ битта валда жойлашганлиги сабабли уларнинг бурчак тезликлари мос равишда ω_{ice} ва ω_{em} тенг деб қабул қилинади. Бу жараён математик ифодаси қуйида келтирилган:

$$T_{req} = T_{ice} + T_{em},$$

$$\omega_{ice} = \omega_{em} = \omega_{req}.$$




2-расм. Toyota Camry автомобили дивигателининг ташқи тезлик таснифи

Ички ёнув дивигатели ва унинг ёнилғи сарфи модели. Текис ҳаракатда автомобиль ИЁД статик режимда ишлайди. Бу режим (T_{ice}, ω_{ice}) иш нуқтаси (2-расм) билан ифодаланади. ИЁД қуввати P_{ice} трансмиссия фойдали иш коэффициентларни инобатга олган ҳолда ҳаракатга қаршилик кучлари қувватига тенг. Маълумки, ИЁД оний ёнилғи сарфини \dot{m}_{ice} (г/с) бурчак


тезлик ва қувватдан фойдаланиш коэффициентлари орқали ифодалаш мумкин:

$$\dot{m}_{ice} = g_e \cdot P_{ice} = g_{eN} \cdot K_u \cdot K_\omega \cdot T_{ice} \cdot \omega_{ice},$$

бу ерда K_u , K_ω – мос равишда g_e солиштирма ёнилғи сарфининг қувватдан фойдаланиш ва бурчак тезликка боғлиқ ўзгариши коэффициентлари; g_{eN} – двигатель максимал қувватига тўғри келувчи солиштирма ёнилғи сарфи (г/кВт·соат).



3-расм. Toyota Camry автомобили двигателя учун K_ω коэффициентининг нисбий бурчак тезликка $\bar{\omega}$ боғлиқлик графиги



4-расм. Toyota Camry автомобили двигателя учун K_u коэффициентининг қувватдан фойдаланиш даражасига U боғлиқлик графиги


Эксперимент натижалари таҳлилидан кейин K_ω коэффициентининг двигатель нисбий бурчак тезлигига $\bar{\omega}$ боғлиқлик гарфиги 3-расмда келтирилган кўринишга эга. Демак, иккинчи даражали полином орқали (3-расмда штрих чизиқлар) K_ω коэффициенти аппроксимация тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$K_\omega = 1.02 \cdot \bar{\omega}^2 - 1.388 \cdot \bar{\omega} + 1.373.$$

K_u коэффициенти учун эмпирик тенглама қувватдан фойдаланиш даражаси U орқали тўртинчи даражали полином (4-расм) билан қуйидагича ифодаланади:

$$K_u = 10.11 \cdot U^4 - 26.96 \cdot U^3 + 26.32 \cdot U^2 - 11.25 \cdot U + 2.63.$$

Электр машинаси модели. Гибрид юритмали автомобилларда электр машинаси тортиш (двигатель) ва тормоз (генератор) режимларида ишлайди. Генератор режимда электр машинаси электр энергияси ишлаб чиқаради ва батареяни қувватлантириши мумкин. Шундай қилиб, электр машинаси модели батареядан уни зарядлаш ёки разрядлаш жараёнида зарур бўлган қувватни (моделдан чиқувчи катталиқ), электр машинасидан талаб этилган буровчи момент ва бурчак тезлик (моделга кирувчи катталиқлар) орқали ҳисоблаш вазифасини бажаради.



5-расм. Электр машинасининг тортиш режимдаги икки ўзгарувчили хусусияти

Бу моделга кирувчи ва чиқувчи катталиқлар электр машинасининг двигатель (η_{mot}) ёки генератор (η_{gen}) режимларидаги фойдали иш коэффициент қийматлари буровчи момент ва бурчак тезлик орқали қуйидагича боғланган:

$$\begin{cases} \eta_{mot} = f(T_{em}, \omega_{em}), \\ \eta_{gen} = f(T_{gen}, \omega_{gen}). \end{cases}$$

5-расмда экспериментал йўл билан олинган электр машинасининг тортиш режимидаги икки ўзгарувчилик характеристикаси келтирилган. Генератор режимида бу характеристика симметрик пастга акслантирилади, яъни буровчи момент манфий қиймат чорагида бўлади. Расмдаги изо-чизиқлар электр машинасининг ФИК ўзгаришини кўрсатади. P нуктаси ЭМ максимал қувват нуктасига тўғри келади. Бу нуктадаги буровчи момент ва бурчак тезлик қийматлари мос равишда $T_{em, Pmax}$ и $\omega_{em, Pmax}$ билан белгиланган. 5,6-расмда ЭМ характеристикасининг нормаллаштирилган кўриниши келтирилган. Бунда бурчак тезлик ($\omega_{n,em}$) $\omega_{em, Pmax}$ га нисбатан ва буровчи момент ($T_{n,em}$) $T_{em, Pmax}$ га нисбатан нормаллаштирилган.

Тортиш (P_{em}) ва генератор (P_{gen}) режимларида зарур электрик қувват механик қувват орқали ФИК ва иш режимини инобатга олган ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

$$\begin{cases} P_{em} = T_{em} \cdot \omega_{em} / \eta_{mot}, \\ P_{gen} = T_{gen} \cdot \omega_{gen} \cdot \eta_{gen}. \end{cases}$$

Электр машинаси ФИК. изо-чизиқларини икки ўзгарувчилик ($\omega_{n,em}$, $T_{n,em}$) полином функция билан қуйидагича ифодаланади:

$$\begin{aligned} \eta_{mot} = & p_{00} + p_{10} \cdot \omega_{n,em} + p_{01} \cdot T_{n,em} + p_{20} \cdot \omega_{n,em}^2 + p_{11} \cdot \omega_{n,em} \cdot T_{n,em} + p_{02} \\ & \cdot T_{n,em}^2 + p_{30} \cdot \omega_{n,em}^3 + p_{21} \cdot \omega_{n,em}^2 \cdot T_{n,em} + p_{12} \cdot \omega_{n,em} \cdot T_{n,em}^2 \\ & + p_{03} \cdot T_{n,em}^3 + p_{31} \cdot \omega_{n,em}^3 \cdot T_{n,em} + p_{22} \cdot \omega_{n,em}^2 \cdot T_{n,em}^2 + p_{13} \\ & \cdot \omega_{n,em} \cdot T_{n,em}^3 + p_{04} \cdot T_{n,em}^4 + p_{32} \cdot \omega_{n,em}^3 \cdot T_{n,em}^2 + p_{23} \cdot \omega_{n,em}^2 \\ & \cdot T_{n,em}^3 + p_{14} \cdot \omega_{n,em} \cdot T_{n,em}^4 + p_{05} \cdot T_{n,em}^5. \end{aligned}$$

Бу ерда, p_{ij} аппроксимация коэффицентлари қуйидаги қийматларга эга:

$$\begin{aligned} p_{00} &= 67.52; p_{10} = 20.91; p_{01} = 115.9; p_{20} = -13.45; p_{11} = -19.17; \\ p_{02} &= -418.3; p_{30} = 2.814; p_{21} = 35.69; p_{12} = 145.7; p_{03} = 690.7; \\ p_{31} &= -12.11; p_{22} = -165.5; p_{13} = -100.4; p_{04} = -551.2; \\ p_{32} &= 43.49; p_{23} = 60.73; p_{14} = 20.56; p_{05} = 169.1. \end{aligned}$$

Электр машинаси максимал буровчи моментини унинг ротори нормаллаштирилган бурчак тезлигига боғлиқлигини, 6-даражали полином функцияси кўринишида ифодалаш мумкин:

$$T_{em,max} = T_{em,Pmax} \cdot (0.0735 \cdot \omega_{n,em}^6 - 0.7729 \cdot \omega_{n,em}^5 + 2.8935 \cdot \omega_{n,em}^4 - 4.7297 \cdot \omega_{n,em}^3 + 3.1108 \cdot \omega_{n,em}^2 - 0.7504 \cdot \omega_{n,em} + 1.1281)$$

Электр машинаси максимал буровчи моменти $T_{em,max}$ эгри чизиғи билан чегараланади (5-расм).

Электр батарея модели. Гибрид юритмали автомобилнинг тортиш-тезлик ва ёнилғи-тежаморлик хусусиятларини комплекс баҳолашда электр батарея модели қуйидаги имкониятларни ўз ичига олиши етарли: чиқувчи қувват, энергия сифими, энергия алмашинув ФИК ва заряд/разряд жараёнларидаги чекловларни. Шу сабабдан, батарея моделига кирувчи катталиқ унинг клеммаларидаги талаб этилган қувват бўлса, чиқувчи катталиқлар – ток кучи, кучланиш ва унинг зарядланганлик даражасидир.

Тевенин теоремасидан батареянинг эквивалент моделини унинг ЭЮК (E) ва ички қаршилиқлари (разрядда R_{dchg} ва зарядда R_{chg}). Бу катталиқлар батареянинг зарядланганлик даражаси SOC (State of Charge) функцияси ($E = f(SOC), R_{dchg} = f(SOC)$ ва $R_{chg} = f(SOC)$) кўринишида экспериментал тарзда аниқланади. Бу катталиқлар орқали батарея клеммасидаги кучланишни U_t аниқлаш мумкин.

Батарея ток кучи I_{bat} разряд ва заряд режимларида мос равишда I_{dchg} ва I_{chg} , кўринишида белгилаб олиниб, қийматларини қуйидаги формулалар орқали ҳисоблаш мумкин:


$$I_{dchg} = \frac{E - \sqrt{E^2 - 4 \cdot R_{dchg} \cdot (P_t)}}{2 \cdot R_{dchg}},$$

$$I_{chg} = \frac{\sqrt{E^2 + 4 \cdot R_{chg} \cdot P_t} - E}{2 \cdot R_{chg}}.$$

Разряд ва заряд режимларида батарея зарядланганлик даражаси ўзгариш динамикаси қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$SOC = SOC_0 - \frac{\int_0^T I_{dchg} dt}{Q_{nom.Ah}} + \frac{\int_0^T I_{chg} dt}{Q_{nom.Ah}}$$

бу ерда SOC_0 – зарядланганлик даражасининг бошланғич қиймати, T – заряд ёки разряд жараёнинг охири вақти (с) ва $Q_{nom.Ah}$ – батареянинг номинал сифими (А·с). Юқоридаги тенгламада батарея сифимининг разряд ток кучи қийматига боғлиқ ўзгаришини ифодоловчи Пойкерт эффекти инобатга олинмаган. Чунки литий-ион батареялар учун Пойкерт даража кўрсаткичи қиймати бирга яқин бўлади.



6-расм. Литий-ион полимер батареясининг битта ячейкаси учун ЭЮК ва ички қаршиликларининг унинг зарядланганлик даражасига боғлиқ ҳолда ўзгариш графиклари. Тажрибада олинган қийматлар «о» нуқталар ва аппроксимация қийматлари қизил эгри чизиқлар орқали ифодаланган.

Маълумки, батарея ЭЮК унинг зарядланганлик даражасига боғлиқ ва зарядланганлик даражаси ошиши билан ЭЮК қиймати ҳам ортади. Литий-ион полимер батарея ЭЮКси ва унинг ички қаршиликлар ўзгариш характерлари, мос равишда ба,б,с - расмларда келтирилган.

6-расмда «о» билан белгиланган нуқталар юқоридаги параметрларнинг экспериментал йўл билан стенда Айдахо миллий лабораторияси (Idaho National Laboratory) томонидан олинган. Қизил узлуксиз чизиқлар билан қуйидаги тенгламалар билан ифодаланувчи аппроксимация эгри чизиқлари келтирилган:

$$E(SOC) = 50.621 \cdot SOC^5 - 139.61 \cdot SOC^4 + 141.66 \cdot SOC^3 \dots \\ - 64.015 \cdot SOC^2 + 13.052 \cdot SOC + 2.6013;$$

$$R_{chg}(SOC) = 0.00032 \cdot SOC^4 - 0.00191 \cdot SOC^3 + 0.00205 \cdot SOC^2 \dots \\ - 0.00058 \cdot SOC + 0.00081;$$

$$R_{dchg}(SOC) = 0.00076 \cdot SOC^4 - 0.00332 \cdot SOC^3 + 0.0032 \cdot SOC^2 \dots \\ - 0.00075 \cdot SOC + 0.001.$$

Регрессион таҳлилларда тенгламаларни танлашда асосий меъзонлар сифатида детерминация коэффициенти ва регрессия қолдиқлари квадрати олинди.

Бошқарув режимининг асосий вазифаси талаб этилган буровчи момент қийматини T_{req} мавжуд куч тизимлари (ИЁД T_{ice} ва ЭМ T_{em}) орасида оптимал тақсимлашдир.

Эквивалент ёнилғи сарфини минималлаштириш (ЭЁСМ) бошқарув режимида электр энергиясининг ёнилғи сарфига эквивалент қиймати белгиланади. Бу эквивалент қиймат электр энергиясининг келажакда қандай шароитларда ишлатилишига боғлиқ. Аммо, автомобилнинг келажакдаги иш шароити номаълум ва натижада куч узатишнинг фақат ўртача ФИК қийматлари эквивалент ёнилғи сарфини ҳисоблашда ишлатилиши мумкин. Шундай қилиб, бир сонияда сарфланадиган эквивалент ёнилғи миқдори \dot{m}_{eqv} (г/с) ИЁД томонидан сарфланадиган ёнилғи миқдори \dot{m}_{ice} ва батарея томонидан сарфланадиган виртуал (мавҳум) ёнилғи миқдори \dot{m}_{bat} йиғиндиси орқали оний вақт t учун қуйидагидек ифодалаш мумкин:

$$\dot{m}_{eqv}(t) = \dot{m}_{ice}(t) + \dot{m}_{bat}(t).$$

ИЁДнинг бир сониядаги ёнилғи сарфи қуйидагича ҳисобланади:

$$\dot{m}_{ice}(t) = \frac{P_{ice}(t)}{LHV \cdot \eta_{ice}(t)} = \frac{T_{ice}(t) \cdot \omega_{ice}(t)}{LHV \cdot \eta_{ice}(t)} = \frac{T_{ice}(t) \cdot \omega_{ice}(t) \cdot g_e(t)}{3600},$$

бу ерда LHV – ёнилғининг солиштирма энергия сифими, МЖ/кг, η_{ice} – ИЁДнинг оний ФИК қиймати, g_e – солиштирма ёнилғи сарфи, г/кВт·соат.

Шубҳасиз, батареянинг зарядланганлик даражаси паст ҳолатларда электр энергиясидан автомобилни ҳаракатлантириш учун фойдаланиш самарасиздир. Аксинча, батареянинг зарядланганлик даражаси юқори ҳолатларда ҳаракат учун электр энергиясидан фойдаланишни рағбатлантириш зарур. Юқоридаги жараённи эквивалент ёнилғи сарфи тенгламасига S_{SOC} жарима функциясини киритиш орқали амалга ошириш мумкин. Бу функция виртуал ёнилғи сарфи салмоғини оширади ва қуйидаги кўринишда ифодаланади:


$$\dot{m}_{eqv}(t) = S_{ice} \cdot \dot{m}_{ice}(P_{ice}(t)) + S_{soc} \cdot \dot{m}_{bat}(P_{bat}(t)).$$

Агар жарима функцияси қиймати бирдан катта бўлса батарея электр энергиясидан фойдаланиш виртуал ёнилғи сарфи салмоғини оширади. Акс ҳолда, электр энергиясидан фойдаланиш ёнилғи ишлатишга нисбатан арзонлашади. Илмий адабиётларда жарима функциясини S_{SOC} қуйидаги кўринишда ифодалаш тавсия этилган:

$$S_{soc} = 1 - \left(\frac{SOC(t) - SOC_t}{(SOC_{max} - SOC_{min})/2} \right)^{k_s},$$

бу ерда $SOC(t)$, SOC_t , SOC_{max} ва SOC_{min} – мос равишда оний, мақсадли, максимал ва минимал зарядланганлик даражалари қийматлари; k_s – даража индекси.

Эквивалент ёнилғи сарфини минималлаштиришда, ИЁД бурчак тезлик ω_{req} ва буровчи моменти T_{ice} , электр машинаси буровчи моменти T_{em} ва бурчак тезлиги, шунингдек батарея зарядланганлик даражаларига SOC чегаравий қийматлар киритилиши лозим. Минимал ёнилғи сарфини аниқлаш кетма-кетлиги 7-расмда келтирилган.



7-расм. Эквивалент ёнилғи сарфини минималлаштириш кетма-кетлиги

Оптимизацион методларга асосланган бошқарув режимлари автомобиль гибрид юритмаси параметларини танлашда бошқарув режимининг таъсирини истисно қилиш имконини беради. Танлаш лозим бўлган гибрид юритма асосий параметрларига ИЁД ва ЭМ максимал қувватлари, шунингдек, батарея сиғими киради.


Муайян ҳаракат шароитида энг кам ёнилғи сарфига эришиш учун автомобиль гибрид юритмаси параметрларининг ёнилғи сарфига таъсирини таҳлил қилиш лозим. Ушбу параметрларни ўзгартириб, барча динамик талабларга жавоб берадиган ва айни пайтда энг кам ёнилғи сарфига эга бўлган параметрлар комбинациясини топиш мумкин.

Гибрид юритма параметрларини танлаш кетма-кетлиги 8-расмда келтирилган.


Автомобиль юритмасини гибридлаштириш сабабли ёнилғи сарфининг камайишини таҳлил қилиш учун Toyota Camry автомобили маълумотларидан фойдаланилди. Бунда ЭМ максимал қуввати $P_{em,max}$ 5 кВт ва батарея бошланғич зарядланганлик даражаси 10% қадамлар билан ўзгартирилди. ИЁД максимал қуввати ўзгаришсиз қолдирилди.

Цикл давомида сарфланган ёнилғи миқдори Q_{cycle} батарея зарядланганлик даражасининг цикл бошида ва охиридаги қиймат фарқига ΔSOC боғлиқ. Бу боғлиқлик графиги бирор цикл учун турли бошланғич зарядланганлик қийматлари SOC_0 (10 дан 90% гача 10% қадам билан) ва ЭМ турли қуввати (0 дан 60 кВт гача 5 кВт қадам билан) учун қурилади. Ҳар бир ЭМ қуввати учун баланс нуқтаси топилади, яъни $\Delta SOC = 0\% \pm \delta$ (δ руҳсат этилган четланиш диапазони 0,1%) чегарада бўлади ($SOC_0 = SOC_{final} \pm \delta$).

Берилган ЭМ қуввати учун цикл бўйича ёнилғи сарфи сифатида шу баланс нуқтасидаги ёнилғи сарфи қиймати қабул қилинади. Бу натижаларни ЭМ қуввати нолга тенг (яъни анъанавий юритмага эга автомобиль учун) ҳолатдаги ёнилғи сарфига нисбатан улуш кўринишида ифодалаш мумкин.



8-расм. Гибрид юритмали автомобиль параметрларини танлаш методи кетма-кетлиги



9-расм. Ёнилғи сарфининг турли ҳаракат циклларида нисбий ўзгариши: двигатель салт ишлагандаги сарфни инобатга олинган (узлуксиз чизиқлар) ва олинмаган (штрих чизиқлар) ҳолатларда

Ёнилғи сарфининг камайишининг график кўриниши турли гибридлаштириш даражаси ва ҳаракат цикллари учун 9-расмда келтирилган. Анъанавий юритмага эга автомобиль ёнилғи сарфи 100% деб қабул қилиниб, турли гибридлаштириш даражасидаги қийматлар шунга нисбатан олинган. Узлуксиз чизиқлар ёнилғи сарфини ҳисоблашда двигатель салт ишлаш сарфи инобатга олинган ва штрих чизиқлар (idle сўзи қўшилган) бу сарф инобатга олинмаган ҳолатлар учун келтирилган. Бу жараён турли ҳаракат цикллари учун такрорланган.

9-расмдан кўриниб турибдики, NEDC-city шаҳар ҳаракат цикли учун энг кам ёнилғи сарфи ЭМ максимал қуввати 20 кВт бўлганида эришилади. Аралаш цикллار учун минимал ёнилғи сарфи 30 кВт қувват томонга сурилади. Турли цикллар учун олинган натижалар 1-жадвалда жамланган.

Ҳаракат цикли ва ЭМ қувватига боғлиқ ҳолда ёнилғи сарфи, анъанавий юритмали автомобиль ёнилғи сарфига солиштирилганда 9-47% ораликда камайган. Энг юқори кўрсаткич NEDC city шаҳар цикли ва ЭМ 20 кВт қувватига тўғри келади.

Ҳисоб натижалари шуни кўрсатдики, тормоз энергияси ва бу энергияни рекуперация қилиш улуши ортиши, ёнилғи сарфини янада камайтиришга хизмат қилади. ЭМ қуввати ошиши билан ИЁД юқори самарадорлик зоналарида ишлашининг ёнилғи сарфи камайишига таъсири пасаяди. Бу энергиянинг бир турдан иккинчи турга айлантиришининг самародрлиги пасайиши билан боғлиқ. Тормоз энергиясини рекуперация қилиш самараси ЭМ қуввати 30 кВт гача ошиб боради ва кейин пасаяди. Қувват ошиши билан батарея ва ЭМ массалари ошиб, тормозлаш энергияси ўзгармас қолади.

**Турли ЭМ қувватлари ва ҳаракат цикллари учун ёнилғи сарфи
ҳисоб натижалари**

Ҳаракат цикли	Параметр			
	Минимумга эришиш учун зарур ЭМ қуввати, кВт	Стоп/старт тизимсиз ёнилғи сарфи камайиши, %	Стоп/старт тизими билан ёнилғи сарфи камайиши, %	Фарқ, %
NEDC	30	21.8 %	29.2 %	7.4 %
NEDC city	20	31.2 %	47.3 %	16.1 %
WLTC	35	17.4 %	22 %	4.6 %
UDDS	30	24.9 %	32.2 %	7.3 %
НWFET	50	8.9 %	9.3 %	0.4 %

ИЁД салт ишлашда ўчиришнинг самараси ЭМ қуввати қийматига боғлиқ эмас ва ўзгармас миқдорга эга. NEDC цикли мисолида, ёнилғи сарфининг камайишининг асосий қисми тормоз энергиясини рекуперация қилиш орқали эришилади ва 20% гача етади. ЭМ ёрдамида ИЁДни самарадорлиги юқори зоналарда ишлатиш орқали 4% ёнилғи сарфини камайтиришга эришиш мумкин. ИЁДни салт ишлаш режимларида ўчириш орқали 8% ёнилғи иқтисодига эришиш мумкин. ЭМ қуввати ошиши билан ИЁД юқори самадорлик зоналарида ишлаш фойдаси камаяди.

«Экспериментал тадқиқотлар» га бағишланган **учунчи бобда** – ишлаб чиқилган математик ва Matlab/Simulink дастуридаги имитацион моделлар ишончлилигини баҳолашда дунёнинг етакчи лабораториялари томонидан ўтказилган экспериментал тадқиқот натижалари билан таққосланган. Бу экспериментал натижалар АҚШ Ёнилғи ва транспорт воситаларининг миллий лабораторияси NVFEL (National Vehicle and Fuel Emissions Laboratory) томонидан Toyota Camry LE 2018 автомобилида ва Аргонн миллий лабораторияси (Argonne National Laboratory) томонидан Kia Soul 2015 электрик автомобилида олинган. Шунингдек, Айдахо миллий лабораториясининг (Idaho National Laboratory) истиқболли автомобиллар бўлимида олинган батареянинг экспериментал наижаларидан фойдаланилган.

Экспериментал тадқиқот дастурига қуйидагилар киритилган:

- Toyota Camry LE 2018 автомобили двигателининг динамометрик стенддаги синовлар;
- Toyota Camry LE 2018 автомобилнинг динамометрик стендда турли ҳаракат циклларидаги синовлар;
- Kia Soul 2015 электр автомобилнинг динамометрик стендда турли ҳаракат циклларидаги синовлар.

Экспериментал тадқиқотлар натижаси имитацион ҳисоб модели натижалари билан фақат ИЁД ва фақат электр юритмада ҳаракатланган ҳолатлар учун таққосланди. Бундай ёндашув гибрид юритмали автомобил юқорида келтирилган иккита режимда турли юкламаларда ишлай олиши билан асосланади. ИЁД ва ЭМ биргаликда ишлаган режимларда улар қисман юкланган режимларда ишлайди. Ишлаб чиқилган модел квазистатик тенгламаларга асосланганлиги сабабли гибрид юритманинг иш режимларини алоҳида режимлар тўплами сифатида тавсифлаш мумкин.


Экспериментал тадқиқотлар объекти сифатида иккита автомобиль (Toyota Camry LE 2018, массаси 1644 кг, 4 цилиндрли, бир қатор ИЁД, ишчи ҳажми 2.5 л ва электромобиль Kia Soul 2015, массаси 1664 кг) танланди ва барабан типдаги динамометрик стенда турли ҳаракат циклларида (NEDC, WLTC, UDDS ва бошқалар) синовлар ўтказилган. Дискрет датчиклардан олинган маълумотлар CAN (Controller Area Network) шинаси орқали динамометрик стенд таркибидаги ахборот-ўлчов тизимига ёзиб борилган.

Динамометрик стенда ИЁД автоматик узатмалар қутиси орқали юкламага уланган. Бу ўз навбатида ИЁДнинг реал иш шароитини имитация қилишга имкон беради (айниқса, гидротрансформатор фаол бўлган паст бурчак тезликларда). Синов жараёнларида, октан индекси 87 (АИ-92 тўғри келади) бўлган бензин ёнилғиси ишлатилган.

WLTC ҳаракат цикли учун синов ва ҳисоб натижалари солиштирилган график 10-рамда келтирилган. Расмдан кўриниб турганидек, чиқувчи сигнал ҳисобланган автомобиль тезлигининг (км/соат) синов (EXP) ва ҳисоб (SIM) натижалари юқори аниқликда мос келади. Бу бир томондан фойдаланилган стенднинг иш принципига (стенд киритилган тезлик профили сигналинини аниқ ушлашга ҳаракат қилади), бошқа томондан моделлаштиришда тескари ёндашувдан фойдаланилганлиги билан боғлиқ.

